



XVI ASP BUХORO МАДАНИЙ МУҲИТИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мунира Шарипова

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

msharipova775@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199030>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 07th October 2022

Online: 14th October 2022

KEY WORDS

XVI асп, шайбонийлар, маданий муҳит, адабиёт, илм-фан, меъморий ёдгорликлар

ABSTRACT

Мақолада XVI асп Бухоро маданий-маърифий ва адабий муҳитининг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Ўзбек давлатчилигини юз йил бошқарган шайбоний ҳукмдорларнинг ислоҳотчи ва ижодкор сифатида, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги хизматлари тарихий манбалар асоосида кўрсатиб берилади.

Муҳаммад Шайбонийхон асос солган сулоланинг кейинги вакиллари унинг маърифатпарварлик ва бунёдкорлик фаолиятини, ислоҳотчилик сиёсатини давом эттирганлар. Шайбонийхондан сўнг ҳукмронлик қилган Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон даврида Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомеъ ут-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган, кутубхоналар кўпайган ва кенгайган, масжид, мадраса, хонақоҳлар таъмирланган. Кўчкунчихон Аграга, Бобур ҳузурига, элчилар юборган. Улар Бобур томонидан қимматбаҳо тухфалар билан кутиб олинган.

Шайбонийлар сулоласидан, айниқса Убайдуллахон ва Абдуллахон II нинг ўзбек давлатчилиги тарихида, фан ва маданият равнақида хизматлари катта. Убайдуллахон Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли бўлиб, отаси вафот этгач, Шайбонийхон

томонидан Бухоро ҳокимлигига тайинланади. 1533 йилда бутун марказлашган ўзбек давлатининг Олий ҳукмдори этиб сайланади, шу йили хонлик пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчиртиради ва давлатнинг расмий номи Бухоро хонлиги деб юритилади. Убайдуллахон даврида Бухоронинг марказ сифатидаги нуфузи ҳар томонлама ошади. Унинг фармони билан қурилган Мир Араб мадрасаси Шарқ мумтоз меъморчилик санъатининг юксак намунаси сифатида ҳозир ҳам виқор билан қад кўтариб турибди. Мазкур маърифат масканидан юртимиз илм-фани ва маданиятига ўз ҳиссасини қўшган олим ва дин пешволари етишиб чиққанлар. Убайдуллахон ниҳоятда зиёли шахс бўлиб, турк, араб, форс-тожик тили ва адабиётини яхши билган. «Убайдий», «Убайдуллоҳ», «Кул Убайдий» тахаллуслари билан «Навоий мактабига эргашиб туркий ғазаллар, Яссавий мактабига эргашиб ҳикматлар ёзган ...



давринг энг яхши шоири» нинг [1:36, 57]. ўзбек, форс ва араб тилларида битилган шеърларидан иборат уч девони жамланган ноёб куллиёти бизгача етиб келган. Бу мажмуа ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида 8931 рақами остида сақланади [2:5].

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб «Тарихи Рашидий» асарида Убайдуллахоннинг Қуръон ва бошқа кўп китобларни ўз қўли билан кўчирганлиги, ҳадисларни шарҳлаб рисола битганлиги, мусиқа илми ва хатнинг етти навини яхши билган қилқалам хаттот бўлганлиги қайд этилади [3:85].

Адабиётшунос Э.Очилов: «Убайдуллахон ҳам сўфийлик ва жавонмардийлик хусусиятларини ўзида мужассам этган, сувратда подшоҳу сийратда дарвеш бир зот бўлиб, бу тоифага майлу рағбат унинг қонида бор эди. Зеро, унинг қариндош-уруғлари бўлмиш шайбоний султонларнинг барчаси азиз-авлиёларга алоҳида муҳаббат ва эътиқоди билан ажралиб турганлиги тарихий ва адабий манбалардан маълум» [4:6], – деб таъкидлайди.

М.Абдуллаевнинг «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзусидаги номзодлик диссертацияси Убайдий ижодиётининг ғоявий-бадий хусусиятлари, поэтик образлар олами ва маҳорати масалаларига бағишланган бўлиб, ишда Убайдуллахон тарбиясида, унинг шахс ва ижодкор, сиёсий ва маданий арбоб сифатида шаклланишида амакиси Шайбонийхоннинг катта таъсири бўлганлиги қайд этилган [5].

«Мамлакат султони», «Аср хони» деб улуғланган Абдуллахон II даврида Муҳаммад Шайбонийхон асос солган давлат ўзининг энг юқори тараққиёт чўққисига кўтарилди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, у ички тарқоқликка чек қўйиб, мамлакатни Шайбонийхон тиклаб кетган миқёсда бирлаштирди ва марказлашган давлат ҳокимиятини ўрнатди.

Абдуллахон давлат ва аҳоли манфаатларини кўзлаб эл-юрт ободончилиги йўлида катта қурилиш ишларини амалга оширди. Пойтахт Бухоро ва бошқа ерларда кўплаб сув омборлари, кўприклар, карвонсаройлар, савдо расталари, боғлар, масжид ва мадрасалар қурдирдики, бунинг орқасидан шаҳарсозлик тараққий топди. Абдуллахон банди, Абдуллахон тими, Абдуллахон мадрасаси деб номланган қурилиш иншоотларини бу буюк бунёдкор ҳукмдорга нисбат берадилар. «Тарихи томм» асарида Абдуллахоннинг Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида 1001 та жамоат биносини барпо эттирганлиги тилга олинади [6:132].

Абдуллахон Россия ва Туркия билан савдо-сотик ҳамда дипломатик алоқаларни кенгайтди, Ҳиндистонда Акбар шоҳ давлати билан дўстона элчилик муносабатларини ўрнатди. Шу қаторда, илм-фан, адабиёт ва маданият соҳаларини ривожлантирди. Абдуллахон давринг кенг маълумотли кишиларидан эди. Атрофига уламо, шуаро ва хунар аҳлини уюштирди, уларга ҳомийлик қилди. Ўзи ҳам истеъдодли шоир бўлиб, «Хон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзди, девон тартиб берди.



Шунингдек, бошқа шайбонийзодалар ҳам ёшлиқдан шеърятга, турли хунар ва санъат турларига ҳавас қўйган эдилар. XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган Мутрибий Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида 17 нафар назмий иқтидорга эга бўлган шайбоний султон ва хонларнинг номларини тилга олган. Булардан Абдулазизхон (Азизий), Рустам Султон (Рустий), Абдол Султон (Хуш), Аваз Ғози Султон, Баҳодир Султон, Музаффар Султон, Дўстум Султон, Фўлод Султон, Абдулмўминхонлар нафақат шоир, шу билан бирга мусаввир ва хуснихат соҳиби ҳам бўлганлар. Абдулатифхон тарих ва нужум илми билан шуғулланган, Абдуллахон I мусиқашунос, созанда ва хаттот бўлган. Шайбонийхон, Абдулазизхон ва Абдуллахон II ларнинг бой кутубхоналари, у ерда хизмат қилувчи котиб ва мусаввирлари бўлиб, китобат ишлари ва миниатюра санъати ривож топди. Шу тариқа, XIV асрда шаклланган тасвирий санъат мактабининг йўналишларидан бири Бухоро миниатюра мактаби гуллаб яшнади. Мавлоно Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдуллоҳ Хуросоний, Султон Мирак Бухорий, Саид Иброҳим, Мирали Ҳиравий-Фатҳободий, Мир Саводий, Араб Муҳаммад ал-Бухорий каби машҳур рассом ва хушнавис котиблар шу даврда ижод қилдилар. XVII асрда яшаган туркиялик сайёҳ ва олим Авлиё Чалабийнинг таъкидлашича, Султон Боязид II даврида (1481–1512) рассомлик санъатини Туркияга дастлаб келтирган киши бухоролик ўзбек санъаткори Бобо наққош бўлган.

Эндиликда Москва, Санкт-Петербург, Париж, Женева, Лондон қўлёзма хазиналарида, музейларида мангуликка муҳрланган расмлар ва бадиий безакли ниҳоятда нодир китобларнинг кўпи Бухоро миниатюра мактабига мансублиги маълум. Чунончи, Хусрав Деҳлавий, Шамсиддин Ҳофиз, Ака Маликшоҳ, Абдурахмон Жомий, Ҳасан Деҳлавий ва Маҳрабийнинг лирик шеърлари жамланган баёз (Мир Али Хусайн кўчирган, 1523), Навоийнинг «Хамса» (1559 йилда кўчирилган), Саъдийнинг «Гулистон» (1566 йилда кўчирилган), «Бўстон» (Мир Хусайн ал-Хусайний кўчирган, 1575), Жомийнинг «Тухфат ул-аҳрор» (Мир Хусайн ал-Хусайний кўчирган, XVI аср иккинчи ярми), Низомийнинг «Хамса» (1579–1580 йилларда кўчирилган), Хусрав Деҳлавийнинг «Хизрхон тарихи» (Мир Солиҳ ибн Мир Тоҳир Бухорий кўчирган, 1597), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (Мирзо Муҳаммад ибн Амир Бухорий кўчирган, 1602) ва бошқалар. XIV–XVII асрларда амалда бўлган Бухоро миниатюра мактаби айнан шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида сермахсул бўлганлиги ўзбек ва чет эллик тадқиқотчилар томонидан тан олинган [7].

Бобурнинг Кобулдан Шайбонийхоннинг шоир набираси Фўлод Султонга «Девон»ини юборганлиги (1519), Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» китоби (1509) Темур Султон учун таълиф қилинганлиги, Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкираси (1566) Абдуллахонга бағишланганлиги ижодкорларнинг шайбонийларга нисбатан ҳурмат ва ихлосини кўрсатиши билан биргаликда, айна пайтда, шайбоний ҳукмдорларнинг



адабиёт ва санъатга бўлган рағбатидан далолат беради.

Манбалар шуни кўрсатадики, шайбонийлар сулоласи аъзолари болаликдан руҳоний таълим-тарбия олганлар, тақводорликда ва қироатда кучли бўлганлар, эгаллаган билимлари ислом ақидалари ва анъаналарига асосланган.

Эътироф этиш жоизки, сулоланинг деярли барча вакиллари замонасининг юксак маълумотли кишилари бўлганлар, ҳокимият тепасида турганлари илму фазл ва санъат эгаларига раҳнамолик қилганлар, меъморчилик ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратганлар. Темур Султон ташаббуси билан 1514 йилда Бухородаги энг йирик меъморий ёдгорлик – Масжиди Калон кенгайтирилган, шифохона, ҳовуз ва кўприклар бунёд этилган. Абдулазизхон даврида Баҳоуддин Нақшбандий мақбараси ва хонақоҳи қуриб битказилган, Мағоки Аттор масжиди таъмирланган. Шаҳарнинг қадимий кўрғони – Бухоро арки қайта тикланган. Шайбонийлар даврида юқорида қайд этилган иншоотлардан ташқари Тошкентда муҳташам Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари, Абу Бакр

Муҳаммад ибн Исмоил Шоший мақбараси, Бобоҳўжа мақбараси, Бухорода Шайх Қосим мадрасаси, Дўстум мадрасаси, Фатхуллоҳ кушбеги мадрасаси, Хожа Муҳаммад Порсо мадрасаси, Файзобод хонақоҳи, Мирак Саид Гиёс боғи, Меҳтар Қосим кўприги каби кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик меъморий ёдгорликлар бино қилинганки, уларнинг бир қисми не-не табиий офатлару жангу жадаллардан омон қолиб, ҳозиргача юртимизнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Шу билан бирга, бу обидалар инсонларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Муҳаммад Шайбонийхон ва шайбонийларнинг фаолиятлари серқирра, адабий ва маданий-маърифий мерослари салмоқлидир. Шайбонийлар сулоласининг эл-юрт ва маданият равнақи учун қилган хизматлари ўз аҳамиятини асло йўқотмайди. Миллий давлатчилигимиз тарихида бир аср ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласи вакиллари тарихда фақат хонгина эмас, бунёдкор ва ижодкор сифатида, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳам қоладилар.

References:

1. Фитрат А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. –Т.: Маънавият. 2000.
2. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. –Т.: АБУ МАТБУОТ-KONSAIT. 2011.
3. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашидий (введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л.М., Епифановой). –Т.: Фан. 1996.
4. Очилов Э. Футувват ва Убайдий ижоди. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 6-сон.
5. Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва ижоди. Фил.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т. 2000.
6. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. –Т.: Маънавият. 1998.
7. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т.: Фан. 1971; Среднеазитские миниатюры 16 -18 вв. –М.: 1964; Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. –М.: 1965; Алишер



Навий асарларига ишланган расмлар. Альбомни тузувчи ва сўз боши муаллифлари Ҳ. Сулаймон ва Ф. Сулаймонова. –Т.: 1971.